

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2002 йил 7 сентябрь, шанба

• №72 (11.460)

• Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1997 йил 24 апрелда қабул қилган "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида"ги 397-1-сонли қарорга ўзгартиш киритиш ҳақида" Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 7 декабрдаги 321-II-сонли қарорига мувофиқ ҳамда жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини республикада босқичма-босқич жорий этишни таъминлаш мақсадида:

1. 2002-2005 йиллардаги даврда Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялашнинг халқаро меъёрларга мос келадиган тизимини босқичма-босқич жорий этиш юзасидан тайёргарлик чора-тадбирлари мажмуини амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия

вазирлиги бир ой муддатда жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этишни таъминлайдиган 2002-2005 йилларга мўлжалланган чора-тадбирларнинг аниқ дастури ва жадвалини 2003 йил 1 январидан бошлаб олинган даромадлар бўйича ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тегишли

вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари, чет эл иқтисодий тузилмалари ва экспертларини жалб этган ҳолда икки ой муддатда "Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритсин.

3. Куйидагилар белгилансин: жами даромадни декларациялаш механизминини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоғида фуқароларнинг конституциявий ва мулкий ҳуқуқлари бузилишига, уларнинг даромадлари ва мол-мулк миқдорлари тўғрисидаги маълумотлар ошкор этилишига, фуқароларнинг шахсий турмуши-

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚОЗОҒИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан шу йил 9 сентябрь куни расмий ташриф билан Қозоғистонда меҳмон бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатларининг бугунги аҳоли ва истиқболларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилиши, шунингдек, қатор муҳим икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

ТАШРИФ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Япония молия вазирининг катта ўринбосари Такайоши Танигучи раҳбарлигидаги делегация вакиллари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди.

Сўхбат чоғида Т. Танигучининг мамлакатимизга ташрифи Ўзбекистон-Япония ҳамкорлиги кун сайин кенгайиб бораётган даврга тўғри келгани мамнуният билан таъкидланди. Бу, албатта, давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Японияга расмий ташрифи самарасидир. Ушбу сафар давомида имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз алоқаларини янада кенгайтириш учун ҳуқуқий асосни бойитибгина қолмай, ҳамкорлик

суръатининг ошишида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Музокарада икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш учун имкониятлар кўплиги таъкидланди. Томонлар ҳозирги кунда амалга оширилаётган кўшма дастур ва лойиҳалар ҳамда истиқболдаги режалар хусусида фикр алмашди.

Шу куни Япония делегацияси вакиллари Тошкент шаҳри ҳокимлигида ҳам бўлди.

(ЎЗА).

"Жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониغا ШАРҲ

Бозор иқтисодиёти ва тадбиркорлик фаолияти эркинлиги тамойиллари амал қилаётган барча иқтисодий тараққиёт этган мамлакатларда фуқаролар томонидан ўз даромадларини мажбурий декларациялаш амалиёти кенг қўлланилади. Даромадлар тўғрисидаги декларацияни тўлдириш фуқаролар томонидан солиқлар тўлаш чоғида, шунингдек уй, ер май-

донлари ва кўчмас мулк, қимматбаҳо қоғозлар ҳамда бошқа қимматли буюмларни харид қилиш билан боғлиқ йирик молиявий битимларни амалга оширишда қатъий шарт ҳисобланади. Хуллас, фуқаролар даромадларининг манбалари ошқоралиги, қонунийлигини тасдиқлаш зарур бўлган жойда декларация талаб қилинади.

Хорижий мамлакатларда мав-

жуд бўлган декларациялаш тизимининг асосий шартини, бир томондан, ўз даромадлари ва уларнинг манбалари тўғрисида одамларнинг ўзлари ихтиёрий равишда маълумот беришларидир. Иккинчи томондан, декларация, мол-мулк харид қилишга сарфланган пул маблағларининг манбалари тўғри-

(Давоми 2-бетда).

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси 2003-2004 академик йиллар учун таълим дастурлари бўйича Америка ҳукумати томонидан молияланадиган грантларни эълон қилди.

Эълон қилинган дастурлар орасида сенатор Фулбрайт дастури, АЙРЕКС, АКСЕЛС бор. Билимларни такомиллаштириш йўналишлари бизнес, иқтисод, журналистика, компьютер савдоҳонлиги, социология, таълим, сиёсатшунослик, халқаро муносабатлар, жиноий ҳуқуқ,

Грантлар ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

экология, қишлоқ хўжалиги, санъат каби соҳаларни ўз ичига олади.

Бу муддат ичида 200 нафардан ортиқ мамлакатимиз фуқаролари АҚШда таълим олиш имкониятига эга бўлади. Бу таълим дастурлари ўқувчиларимиз, талабаларимиз, магистрантларимиз, академик ходимларимиз ва профессорларимизга ўндан ортиқ турдаги грантлар берилишини англатади.

Танловнинг барча иштирокчилари инглиз тилидан тест топширади. Аввалги икки босқичдан муваффақиятли ўтганлар сўровнома олади ва сўхбатга таклиф этилади. Шундан сўнг якуний натижалар маълум бўлади.

Жамшид РАУПОВ,
ЎЗА мухбири.

"Европа уйи"

Европа иттифоқи Комиссиясининг Ўзбекистонда очилган ваколатхонаси шундай деб аталади. Европа иттифоқининг ташқи сиёсатини амалга оширишда бу комиссия муҳим ўрин тутди.

Бунда у бутун дунёдаги 128та делегация ва ваколатхонага таянади. Улар бу мамлакатларнинг

ҳукуматлари ва халқлари олдидagi бош ахборот берувчилар ҳисобланади. Европа Комиссияси томони-

дан доимий делегациялар бўлмаган ҳамкор мамлакатларда бу ишни амалга ошириш ва улар фаолиятини бошқариш учун офислар ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Масалан, Комиссия биринчи "Европа уйи"ни Тошкентда, иккинчисини Озарбайжон пойтахти Бокуда очишга қарор қилди. Бу икки офис пилот тузилмалари бўлиб, бошқа мамлакатларда ҳам

уларни ташкил этиш ҳозирча режалаштирилмаган. Бу офиснинг вазифаси ТАСИС дастури ва Европа Иттифоқининг бошқа йўналишдаги фаолияти тўғрисидаги асосий ахборот манбаи ролини ўташ, ТЕМПУС каби кичик дастурларни бошқариш учун қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Жамшид РАУПОВ,
ЎЗА мухбири.

Бугунги сонда:

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

1992 йили Абдурашид Раҳимбоев «Мустақиллик» нишонни, 1997 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи», «Аълочи иқтисодчи» унвонларига сазовор бўлди.

3-бет

ШЕЪРИЯТ ГУЛШАНИ

Вилоятимиз ёзувчиларига, ижодкорларига етакчилик қилиб келаётган истеъдодли шоиримиз Маҳмуд Тоировга халқ ёзувчиси Саид Аҳмаддан утказиб таъриф бериш кийин. Лекин, биз бугун бошқа нарсани айтмоқчимиз.

4-бет


ЎЗБЕК ФУТБОЛИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА

Вилоят футболни ривожлантириш жамғармаси вилоят футбол федерацияси билан ҳамкорликда ўзбек футболининг 90 йиллигига бағишлаб «Супер кубок» турнирини ўтказмоқда.

5-бет

ТЕЛЕДАСТУРЛАР

Кўринг,
дам
олинг.



6-7-бетлар

САДОҚАТ ЭШИГИ

Бой аёлнинг бу сўзларини эшитиб, эс-хуши ўзига келибди. Кўп хижолат чекибди.

8-бет

ГЕОЛОГИК АТЛАС НАШР ЭТИЛДИ

Турли мамлакатларнинг олимлари ва мутахассислари томонидан Марказий Евроосиёнинг литологик-палеогеографик, тузилмавий ва геоэкологик харитаси атласи яратилди.

Ушбу катта меҳнат Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Россия, Туркменистон, Тожикистон, Озарбайжон ва Хитой мамлакатларининг келишув доирасида амалга оширилди.

Атлас Евроосиё Марказий ҳудудларининг 7 миллион 500 минг квадрат километрлик майдонини қамраб олади. Бундан 447,4 минг квадрат километрини Ўзбекистон эгаллайди. Ўзбекистон томонидан нашрнинг бош муҳаррири Ўзбекистон Давлат геология кўмитасининг раиси Нурмуҳаммад Аҳмедов ҳисобланади. Яқин кунларда атласнинг дастлабки адади Алматыда чоп этилади.

Машҳур йирик ҳажмдаги иш замонавий геодинамика тамойиллари асосида бажарилди. У катта ҳажмдаги геологик, геофизика ва сейсмологик маълумотларни қамраб олади. Хариталарда Марказий Евроосиёнинг геологик тузилиши, табиатнинг ривожланиш тарихи ва бугунги ҳолати акс этган. Мазкур ҳудудда йирик нефть, газ, кўмир, олтин, мис, кўрғошин, уран, нодир металлар ва бошқа кўплаб фойдали қазилмаларнинг конлари аниқланган ҳамда улардан фойдаланилмоқда. Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтган халқаро геология анжуманида Атлас материаллари тақдими ўтказилди. Ишлар юқори баҳоланиб, унинг иккинчи босқичини бошлашга қарор қилинди.

«Туркистон-пресс».



Янгийўл шаҳридаги «ROSSI S.A.» Ўзбекистон – Болгария қўшма корхонаси ўзининг қандалат маҳсулотлари билан республикамиз аҳолиси эҳтиёжини қондириб келмоқда.

СУРАТДА: корхона ишчиларидан бири оператор Дилдора Шокирбоева иш устида.

Даврон АХМАД олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

га аралашшга ҳамда бошқа суиистеъмолчиликлар ва ҳуқуқбузарликларга қатъиян йўл қўйилмайди;

жисмоний шахсларнинг даромадлари ва мол-мулки билан боғлиқ ахборот ҳамда ҳужжатлардан фойдаланиш тартибини бузишга йўл қўйган мансабдор шахслар жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортиладилар.

4. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ҳозирги вақтда жисмоний шахслар асосий иш жойидан ташқарида олаётган даромадлар, шунингдек жисмоний шахс томонидан уни яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказмаган ҳолда бир маротабалик операциялар /савдо, иш, хизматлар/ни амалга оширишдан оладиган даромадлари декларация қилиниши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасига жис-

(Давоми. Боши 1-бетда).

моний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизими жорий этилгунга қадар фуқароларнинг даромадларини ихтиёрий равишда декларациялаш тизимини пухталаштириш бўйича танлаб олиш йўли билан тажриба тариқасида иш олиб бориш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси хорижий мамлакатларда жисмоний шахсларнинг даромадларини декларациялаш тажрибасини чуқур ўргансин ҳамда уларни инобатга олган ҳолда декларантлар томонидан ўз даромадлари тўғрисидаги маълумотларни ихтиёрий равишда тақдим этилишини рағбатлантириш механизминини, шунингдек уларнинг жавобгарлик чораларини, жумладан зарур маълумотларни тақдим этмаганлик ва даромадларни атайин яширганлиги учун қонунчиликда кўзда тутилган жазоларни қўллаш чораларини ишлаб чиқсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, фуқароларнинг республика тижорат

банкларидаги депозит ҳисоб-варақларига қўйиладиган нақд маблағлари декларация қилинмайди ва уларнинг келиб чиқиш манбалари тасдиқланиши талаб этилмайди.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси билан бирга жисмоний шахсларнинг жами даромадларини декларациялаш тизимини жорий этиш мақсадлари ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли ўртасида кенг тушуштириш ишлари олиб борилишини таъминласин;

2003 йилнинг 1 июлига қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузурида жисмоний шахслар томонидан тақдим этилган даромадлар /даромад манбалари/ тўғрисидаги декла-

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2002 йил 5 сентябрь.

"Жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониغا ШАРҲ

сидаги маълумотларни тақдим этмаслик учун, ўз даромадларини атайин қамайтириб кўрсатганлиги ёки уларни яширганлиги учун иқтисодий жазо ва жарималарнинг қонун йўли билан мустақамланган, ҳатто жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган кучли тизими мавжуддир.

Фуқароларнинг даромадларини декларациялаш яширин иқтисодиётга, пул маблағларининг ноқонуний айланишига, коррупция ва порахўрликка ҳамда иқтисодиёт соҳасидаги бошқа жиноятларга қарши курашда таъсирчан воситалардан бири ҳисобланади.

Шуни таъссуф билан эътироф этиш керакки, бизда коррупция ва гайриқонуний даромадларга, савдо-воситачилик фаолияти натижасида тушадиган нақд пулларни яширишга қарши қатъий кураш олиб бориш зарурлиги тўғрисида кўп гапирилади-ю, аммо айни вақтда жаҳон амалиётида ҳамма томонидан қабул қилинган механизмни жорий этиш бўйича аниқ-равшан чоралар кўрилмапти. Бундай механизм порахўрлик пайини қирқиб, яширин иқтисодиёт учун замин яратаётган, банкдан ташқари пул айланишини таъминлаётган барча манбаларни тугатишга ёрдам берган бўлур эди.

Шуни ҳисобга олиш зарурки, даромадларни декларациялашни жорий этмай, фуқароларнинг ўз даромадлари ва уларни олиш манбалари тўғрисидаги маълумотларни ихтиёрий равишда тақдим этишнинг барқарор тизимини вужудга келтирмасдан, шунингдек ўз даромадлари ҳақидаги маълумотларни тақдим этишдан бўйин товляётганларни жазолаш чораларини пухта ишлаб чиқмай туриб коррупция ва яширин иқтисодиётга қарши

(Давоми. Боши 1-бетда).

кураш борасидаги ишларни тасаввур қилиш қийин.

Айни шу боисдан, бундай ишларнинг жами қонун ҳужжатларига, ҳуқуқий меъёрларга таянадиган тараққий этган мамлакатларда таркиб топган тажрибадан келиб чиққан ҳолда бизнинг республикамизда ҳам худди шундай тизим фаоллик билан яратилиши лозим.

Бундан ташқари, бозор муносабатларига ўтиш туфайли аҳоли учун ўз қобилиятларини яна ҳам кенгроқ намоён этиш, ўзини иқтисодиётнинг турли соҳаларида юзага чиқариш ҳамда турли қонуний манбалардан даромад олиш имкониятлари очилади.

Республикада хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, меҳнатга ҳақ тўлашдаги чеклашларни бекор қилиш, корхоналарнинг хўжалик фаолиятига давлат ва назорат идораларининг аралашувини қамайтириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг ҳаммаси одамлар учун фаол меҳнат қилиш ва ўз меҳнати билан кўпроқ пул ишлаб топиш имкониятини яратишга қаратилгандир. Шу муносабат билан аҳоли даромадларини ҳисобга олиш, даромадларнинг қонунчилигини ҳамда солиқлар бекаму кўст тўланганлигини назорат қилиш механизминини такомиллаштириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқдаки, бу ҳам даромадларни декларациялаш тизимини жорий этиш зарурлигини тақозо этади.

Айни пайтда, фуқароларнинг шахсий мулкига таъжовуз қилиш ёки уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш каби фактларга барҳам бериш мақсадида Фармонда шу нарса белгиланганки, даромадларни декларациялаш механизминини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоғида фуқароларнинг конституциявий ва мулкӣ ҳуқуқлари бузилишига, улар-

нинг даромадлари ва мол-мулки миқдорлари тўғрисидаги маълумотлар ошкор этилишига, фуқароларнинг хусусий турмушига аралашшга ҳамда бошқа суиистеъмолчиликлар ва ҳуқуқбузарликларга қатъиян йўл қўйилмайди. Мансабдор шахслар жисмоний шахсларнинг даромадлари ва мол-мулки билан боғлиқ ахборот ҳамда ҳужжатлардан фойдаланиш тартибини бузган ҳолларда улар жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортиладилар.

Шунинг учун даромадларни декларациялаш бутун тизими қонунчиликка асосланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хусусий тузилмалар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда "Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Олий Мажлисга киритиш топширилди.

Даромадларни декларациялаш тизимини яратиш бўйича чет эл тажрибасини чуқур ўрганишни, аҳолини тегишли тарзда тайёрлашни, зарур қонунчилик ва меъёрий негиз қабул қилинишини, бутун бир ташкилий чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилишини талаб этишини ҳисобга олган ҳолда уни 2002-2005 йилларда босқичма-босқич жорий этишга қарор қилинди.

Шу билан бир вақтда солиқ органларига жисмоний шахсларнинг даромадларини декларациялаш тизими жорий этилгунга қадар фуқароларнинг даромадларини ихтиёрий равишда декларациялаш тизимини пухталаштириш бўйича танлаб олиш йўли билан тажриба тариқасида иш олиб бориш, шунингдек уларнинг жавобгарлик чораларини, жумладан зарур маълумотларни тақдим этмаганлик ва даромадларни жўрттага яширганлик учун қонунчиликда кўзда тутилган жазоларни қўллаш чораларини белгилаш ҳуқуқи берилди.

рацияларни ҳамда декларациялаш билан боғлиқ бошқа ахборотни қайта ишлаш Марказини ташкил этиш ва уни декларацияларни қайта ишлаш учун зарур техника билан жиҳозлашни кўзда тутсин;

2003 йилнинг 1 сентябрига қадар солиқ органларига маълумотларни электрон воситалар ёрдамида тақдим этиш ҳамда солиқ назоратини амалга ошириш мақсадида уларга ишлов бериш имконини яратадиган дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш ва улардан тажриба тариқасида фойдаланишни таъминласин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклатилсин.

9. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, ҳозирги вақтда амалдаги қонунчиликка мувофиқ жисмоний шахслар асосий иш жойидан ташқарида олаётган даромадлар, шунингдек жисмоний шахс томонидан уни яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказмаган ҳолда бир маротабалик операциялар /савдо, иш, хизматлар/ни амалга оширишдан оладиган даромадлари декларация қилиниши лозим.

Фармонда кўрсатиб ўтилганидек, фуқароларнинг ўз жамғармаларини банкларга қўйишни рағбатлантириш, пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қамайтириш чоралари амалга оширилишини таъминлаш мақсадида, фуқароларнинг республика тижорат банкларидаги депозит ҳисоб-варақларига қўйиладиган нақд маблағлари декларация қилинмайди ва уларнинг келиб чиқиш манбаларини тасдиқлаш талаб этилмайди.

Солиқ идораларини ахборот билан таъминлашни яхшилаш учун 2003 йилнинг 1 июлига қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузурида жисмоний шахслар томонидан тақдим этилган даромадлар /даромад манбалари/ тўғрисидаги декларацияларни қайта ишлайдиган Марказни ташкил этиш, уни зарур техника билан жиҳозлаш кўзда тутилади.

Республикада жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизими жорий этилиши даромадларни ошқорлаштириш имконини беради, яширин иқтисодиёт йўлига гов солиб хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яна ҳам қулайроқ шарт-шароитларни яратишга кўмаклашади, цивилизациялашган бозор муносабатларини шакллантиришнинг объектив ва зарур шарт ҳисобланади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ПОЧТАСИДАН

ҚОБИЛ НОҚОБИЛ ЧИҚДИ

Яқинда туманимизда бир ноҳуш воқеа рўй берди. Муштарийларга мушоҳада учун уни қоғозга тушириб, тахририятга йўллашни лозим топдим.

Назира опа Илҳом ака билан етти фарзанд кўрди. Аммо улар қизларига ҳам, ўғилларига ҳам яхши тарбия бера олмадилар. Охири оқибат қизлари ёмон йўлга кириб кетди. Ўғиллари қўли эгри бўлиб ўсди. Қўниқўшнидан, кўча-кўйдагилардан дашном эшитавергач, ота охири адои-тамом бўлди. Унинг қон босими кўтарилиб, дунёдан ўтди. Отадан ажралиш фарзандларни умуман куйинтирмади.

Назира опа кенжа ўғли Қобилжонни ҳамisha «кўзимнинг нури, манинг полвоним», — дея эркаларди. Қобил аскарликдан қочиб келгани учун қамалиб чиққан эди. Она унинг гуноҳини кечирди, «энди кўзингни очиб, тўғри юр, болам», дея огоҳлантирди. Аммо ўғил билганидан қолмади. Кечалари уйга келмайди, одат чиқарди. Қобилнинг бирида саёқ юрган Қобил оғайнилари билан бир хонадонга ўғрилиikka кирди. Буни қарангки, у хонадоннинг эгаси Назира опанинг таниши экан. Назира опа хурмати уни кечирди. Бироқ она фарзанди шериклари билан «ҳазм қилган» нарсаларнинг

пулини ўз ҳаменидан тўлашга мажбур бўлди. Шунда ҳам ўғлига қаттиқ гапирмади.

Қобилнинг бирида ноқобил фарзанд дўстлари билан барда кайфу сафо қилди. Улар даврасида қизлар ҳам бор эди. Йигитлар ўзаро маслаҳатлашиб, Қобилникидан борадиган бўлишди. Лекин, муштипар она «меҳмонлар»ни уйга киритмади. Орада жанжал кўтарилди. Бетайин фарзанд ўз волидасининг сочидан тортиб, дўппослади. Жўралари Қобилни инсофга чақириш ўрнига жуфтани ростлаб қолишди. Бечора онани кўчага судраб чиқиб, беҳаё сўзлар билан ҳақорат қилди. Яхшиям қўниқўшнилари вақтида кўчага чиқишгани. Бўлмаса, ноқобил бола ўз онасини ўлдириб қўйиши мумкин эди.

Қилмиш қидирмиш, деб машойихлар бекорга айтмаган.

Лаънатланган фарзанд узоқ мuddатга қамалди. Озодликда, онаси бағрида, тўғри йўлга кирмаган жохил ўғил темир панжара ортида ўзига қандай хулоса чиқараркан?!

Рўздат ИСМОИЛОВ,
Бўстонлик тумани.

АНДИШАНИ БИЛМАГАН АЁЛ

Иш юзасидан пойтахтга бориб, шаҳар транспортга чиқдим. Одам унчалик кўп эмасди-ю, ҳар ҳолда туриб кетаётганлар ҳам бор эди. Мен ҳам бир четга ўтиб, манзилим томон кетавердим. Ёшлар ўриндиқларга бемалол жойлашиб олган, катталарга ҳурмат кўрсатишни ҳаёлларига ҳам келтиришмасди. Майли, бу алоҳида мавзу.

Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа бошқа. Ўрта ёшлардаги кондуктор аёл автобусда йўловчиларга чипта сотаётган эди. Шу пайт нима бўлди-ю, орқароқда ўтирган қирқ беш-эллик ёшлардаги эркак киши билан гап таллашиб қолди. Аёл уни ноҳуя сўзларга қориштириб ҳақорат қила бошлади.

— Мен фақат шу бекатда нега узоқ туриб қолдинглар, деб сўраяпман, холос, — деди ранжиб йўловчи. — Ахир ишга кечикяпман.

— Кечиксангиз, эртароқ йўлга чиқинг эди, — яна шовкин кўтарди чипта сотувчи. — Бўлмаса, ана кўча тўла такси. Сиз менга хўжайин эмасиз ҳисобот берсам.

— Ахир мен сизга ёмон сўз айтганим йўқ-ку. Нега ловулайсиз? Мен сизга одамдек муомала қилсам... Андишани кўрқоқликка йўйманг. Жамоат жойдасиз.

— Хе, сендака мижгов эркакдан ўргилдим. Мен билан гап талашмоқчимисан, ҳўш,

нима демоқчисан ўзи? Шим кийиб юргунча...

Хотин кишидан тилга олиб бўлмас сўзларни эшитиб, автобусдаги одамлар жуда мулзам тортиди. Тартибга чақириш ниятида ёши улуғларнинг «синглим, уят бўлади, кўпчилик орасидасиз, шуни тўғрилиikka тушунтирсангиз ҳам бўлади-ку» дейишлари бефойда кетди. Чипта сотувчи анчагача тинчимади. Отаонам тенги кексалар, бўйи етган қизлар бор-ку, деб ўйламади.

Ҳар куни кўпнинг орасида бўладиган; муомала қиладиган аёлнинг «эртага ҳам шу одамларнинг кўзига яна кўринаман-ку», — деган ўй ҳаёлига келмасмикин? Одоб, ахлоқ деган тушунчаларни наҳотки, баъзилар унутиб қўйган? Ўша аёл кўпнинг дилини оғритганини ўйлади-микин? Эсиз, унга аёл деган улуг ном.

Тўра ИЛҲОМОВ,
Зангиота тумани.



Орамиздаги одамлар

УМР МАЗМУНИГА АЙЛАНГАН МЕЗОН

Шундай инсонлар бўладики, улар билан қаймоқлашиб тўймайсан, киши. Бундай пайтларда суҳбатдошинг гоҳи:

— Тоза маҳмадоналикка ўтиб кетдимми? — дея хижолатомуз сўраб ҳам қўяди.

— Йўқ, асло! — дейсиз шоша-пиша ва суҳбатингиз қизигандан қизиб боради.

Ҳаёт кўрган, уни англаган ва кирдикорларини бошидан кечирган, паст-баландини иллаган кишилар даврасида суҳбат айни шундай кечади.

Тахрибали молиячи Абдурашид Раҳимбоевни наинки вилоятимизда, балки бутун мамлакатимизда бирга ишлаган касбдошлар айни шундай инсон сифатида танишади, дилкаш суҳбатларига интилиб яшадади.

Чиноз туманидаги Эски Тошкент қишлоғида туғилиб ўсган бу йигит даврнинг не не суронли кунларини кўрмади. Жўжабирдай хонадон соҳибаси оппоқ докага эҳтиётлаб ўралган яримта нонни мен ўқийман деган дилбандининг белига боғлаб, сўнгги чақаларига чипта олиб, «дачний» поездига чиқарган, Тошкентга умид билан кузатган, йўловчи поездларнинг ҳар бир чинқириги эшитилганида, бир ҳап-риқиб, ўғли ўқишдан қайтаётганини интиқлик билан кутган кезларини кўз олдингизга келтиринг. Аммо Абдурашид онасининг орзуларини ўн чандон оқлади — ўқишни фақат аёло баҳолаб билан битирди.

— Энг мураккаб паллаларда устозларим сабоғи асқотди, — эслайди Абдурашид ака. — Молия ҳисоб-кредит техникумини битириб, Қўрғонтепага ишга борганимда, туман молия бўлимининг мудири Шербой Ёкубовдан муомала-муносабат маданияти ва амалий меҳнат кўникмасини ўргандим. У киши ўзига ҳам, атрофидигиларга ҳам ниҳоятда талабчан эди. Кадрларни қаттиқ тугарди. Лекин одамларнинг тақдирини, келажагини кўзлаб иш юритарди, ғамхўрлиги, меҳрибонлиги ҳам беадад эди...

Устоз фазилатлари ҳақида гапираяпти-ку, бироқ эшитаётган мулоҳазаларим ортида Абдурашид Раҳимбоевнинг ҳаёт йўли, меҳнати, молиявий муаммоларни ҳал этишдаги қўламли ҳатти-ҳаракатлари кўз ўнгимда бир-бир намоён бўларди. Қўрғонтепадаги беш йиллик меҳнат уни молия соҳасида амалий фаолиятнинг юқори даражасига тайёрлади. 1965 йили Тошкент вилоятининг мўдлия бўлимида катта иқтисодчи вазифасида иш бошлаб, бўлим бошлиғи, вилоят молия бўлими мудирининг ўринбосари, Ўзбекистон Молия вазирлиги назорат-тафтиш бошқармасининг бош-

лиғи, вилоят молия бошқармасининг бошлиғи, ва, ниҳоят, вилоят ҳокимининг ўринбосари лавозимларига кўтарилди.

Ҳалоллик, ҳокисорлик, тўғри-ўзлик, тил ва дил, мақсад ва ҳаракат бирлиги уни элга танитди, шу инсоний фазилатлари билан у элда обрў-эътибор тоғди. У кимгадир ёқиш, нимагадир эришиш учун ишламади. Ҳар бир юмушни чин маънода кўнгилдан чиқариб, халқимга, юртимга нафи тегсин деб, ҳақиқат ва ҳаққонийлик таразисига солиб кўриб адо этди. Қандай лавозимларда ўтирмасин, бирон жумбоқ билан ҳузурига кирган кишига ҳеч қачон таъма кўзини тикмади. Бир умр пок виждон, дадил сўз ва қатъий ҳатти-ҳаракат соҳиб бўлиб келяпти.

Уни не-не олий даргоҳларга, юқори мансабларга чорлашмади. Шундай паллаларда қўли кўксига, жавоби битта бўларди:

— Тақдиримга шукроналар бўлсинки, сизлар каби улуг инсонлар билан ёнма-ён ишляпман. Меҳнатларим кишиларга андак наф келтирса, одамларнинг мушкулларини енгиллаштирса, юртга нафи тегса — орзуларим ушалгани шу.

— Умр молия иши, бюджет, даромад ва харажатлар ҳисоб-китоби билан ўтди, — дейди А. Раҳимбоев ички бир ифтихор билан. — Мамлакатдаги жамики ижтимоий-иқтисодий жараёнлар менинг хотирамда молиявий рақамлар қиёси сифатида муҳрланиб қолган. Деҳқонларга пенсия тайин этиш бошланган дастлабки босқичлар, 80-йилларда айрим нопок шахсларнинг молия-иқтисодий бузғунчилигини фож этиш жараёнлари ва айниқса, мустақилликка эришганимиздан кейин туб, қўламли иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, бозор инфратузилмасини яратиш ривожлантириш, мулк хилма-хиллиги шароитида молиялаштириш масалаларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар ҳамон кўз ўнгимда туради.

Мураккаб пайтлар эди. Иқтисодий «турғунлик» дардидан даволаб, бутун ишлаб чиқариш-савдо жараёнларида молиявий муносабатларни соғломлаштиришнинг оқилона тамойилларини яратиш лозим эди. Бутун мамлакат хўжалигини, маданий-маърифий ҳаётини тубли ўзгартириш шароитида бюджетнинг

даромадлар ва харажатлар қисмларининг мутаносиблигига эришиш молиячилардан янги-ча фикрлашни, янги-ча ечимлар топишни талаб қилиши ҳаётий зарурат эди.

Навқирон, мустақил юртимизда кечаётган ана шу жараёнларнинг ҳар бирини юрак ва тафаккурдан ўтказиб, ҳаётдаги янгиликларнинг молиявий асосларини ишлаб чиқишда катта амалий тахриба соҳиб Абдурашид Раҳимбоев фаол қатнашди. Мустақилликни мустаҳкамлашнинг барча-барча босқичларида долзарб молия-иқтисодий муаммоларга ечим топган малакали мутахассислар қаторида бўлганлиги билан бугун у гоҳ фахрланади.

Ҳамиша фаол ва ташаббускор бу инсоннинг меҳнатлари ҳам юксак баҳоланди. 1992 йили у «Мустақиллик» нишонини, 1997 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи», «Аълочи иқтисодчи» унвонларига сазовор бўлди.

Ҳамон бой билим ва тахриба соҳиб Абдурашид Раҳимбоев ижтимоий фаол ҳаёт кечиряпти. Ҳеч қачон уни хотиржам ҳолатда кўрмайсиз. Малакали мутахассис ҳамон вилоят молия тизимининг самарадорлигини ошириш, шогирдларга ўзининг бой тахрибасини сингдириш иштиёқи билан яшайди. Уни ҳамisha гоҳ у, гоҳ бу идорада, мутахассислар давраларидаги қизгин суҳбатлар, жўяли маслаҳатлари билан мураккаб жумбоқларни ечишга ёрдам бераётгани устидан учратасиз.

Яқинда Абдурашид ака Шербой ота Ёкубовни излаб, «Пахтабанк»нинг ходимлар бўлимига кириб борди. Устоз ва шогирд мириқиб суҳбатлашишди, ўтган-кетган воқеаларни эслашди.

— Тўйга таклиф қилиб келдим, — деди пиравардида шогирд. — Ўғлим Темурнинг қўлини ҳалоллапман.

— Албатта, бораман, — жавоб берди Шербой ота. — Дўстлар, ҳамкасблар даврасида умргузаронлик қилиб юрганнимизга шукроналар айтиб, бир яйрашайлик.

Мустақиллик юрт фарзандлари — мутахассислар ва раҳбарларга қайтариб берган қадимий қадрият тушунчалари, ажойиб инсоний фазилатлардан бири — камтарлик. Донишманд халқимиз олди мақолларидан бирида ҳам шу фазилат улуғланади. Суҳбатдошим, замондошим Абдурашид Раҳимбоев бир умр шу фазилат мезонлари бўйича яшайди. Ва камол тоғди, қадр тоғди.

Жўрабек МУРОДОВ.

Шеърят гулшани

ҚУЁШ АСЛИ ТИРИКЛИК ТУҒИ

Шоир қўниси билан шоҳмот ўйнаб ўтирган эди. Хотини келиб: — Редаксиядан телефон қилиб, битта шеър ёзиб берсинлар дейишарди. Нима жавоб қилай? — деди.

— Ҳозир бандлар, қўллари бўшаганда, ёзиб берармишлар, деб айт. Бошқа бир шоир тонг-сахарлаб, тутунни тутунга улаб, шеър ёзаётган эди. Хотини деразадан бош суқиб:

— Ариқдан сув тошиб, ошхона деворига чикди. Сувни гулхона томонга буриб юборсангиз бўларди, — деди зорланиб. Шоир бошини кўтармай, жавоб қилди: — Шеърим битсин, кейин... Хотини ҳафсаласи пир бўлиб, ўғлига деди:

— Дадангни шеъри битгунча, ошхона ўлгур босиб қолади. Кел, болам, шу ишни икковимиз қилиб қўя қолайлик.

Шеър қўл бўшаганда қилинадиган иш эмас. Неча кунлардан бери безовта қилаётган, қоғозга тушмагунча тинч қўймайдиган изтиробдир. Тугълиши мувозанатингни бузган, «телбага» айлантирган «беморликдир».

Ҳақиқий шоир бошқа ишни шеърдан қўли бўшаганда қилади.

Тошкент яқинида баланд тоғлар пинжиги суқилган сўлим бир макон бор. Искандар беқиёс манзараларга махлиб бўлиб, дунё ташвишларини унутиб, бир дам ором олган. Бу жойларда Имом Ғазолийнинг қадим излари қолган. Мирзо Бобур қувғинлик чароқларини унутиб, ҳаловат топган. Тоғ ўнгирларидан тошларни ўпириб тушётган шаршараларга махлиб бўлиб, Хувайдо ғазаллар битган. Бу тошларда Хўжа Аҳрор Валийнинг излари муҳрланиб қолган.

Бобораҳим Машраб ҳам Паркентга бир келган деган гаплар бор.

Аёллари шеърга бошқоронғи бўлади шекилли, Паркентда кўпгина шоирлар туғилди.

Бугунги кунда ўзбек шеърятининг ривожига баҳоли қудрат хисса қўшаётганлар орасида паркентликлар ҳам бор.

Кўни кеча орамиздан кетган қўшиқчи шоир Ориф Одилов Паркент шоирларининг сардорини эди.

Қиссанавис Хайриддин Султон, майин, келинчақдек ибодли шеърлари билан танилган Шарифа Салимова, ўйчан, ўқиганни лоқайд қолдирмайдиган мағзи тўқ шеърлар битаётган, ўнлаб қўшиқлари энг атоқли хофизлар репертуаридан мустақам ўрин олган қўшиқлар муаллифи Маҳмуд Тоир...

Мен мана шу шоир укам тўғрисида га-

пирсам дейман. Маҳмуд қўли бўшаганда шеър ёзадиган чиллаки «шоирларга» ўхшаймайдими. У шеър ёзишдан чарчаган пайтлардагина бошқа иш билан шуғулланади.

Маҳмуднинг шеърлари вазмин, фикрларни кўтара оладиган, илғи тўқ шеърлардир. Хоҳ узун, хоҳ қисқа шеърларнинг ҳар бир тўртлиги бир рубойига тенг кела олади. Ҳам нафис, ҳам ҳароратли, ҳам ўқувчини ўйлатадиган, ҳам эрқалатадиган тўртликлардир.

Хар гал унинг шеърларини ўқиганимда, нимадир менга юқади. Сатрларга жо қилган фикрларининг мағзини чақаман. Бешта тўртликдан иборат мана бу шеър:

ҚўЛИМГА БИР ҚўНМАЙ
УЧИБ КЕТГАН ҚУШ...

Саид АХМАД.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони

нинг, вақтингизни олмаслик учун, учтагинасини ўқиб бераман.

Гулям, айм, гуноҳлар мендаги ёлғиз,
Биз нечун учрашдик қирқдан ошганда?
Тўшларимда шилар узун сач бир қиз,
Биз нечун учрашдик қирқдан ошганда?
Қалбда туйғу сўйиб, ақл тошганда,

кана шеърлардан холи бу тўпламларни қизиқиб мутолаа қилишарди. Шеърларида янги гап, янги фикр, янги ташбеҳларга қойил қолганларини яширолмайдилар.

Базан ўқиб ҳайрон қоламан. Бунақа мағзи тўқ шеърларни ёзиш учун Маҳмуд

Вилоятимиз ёзувчиларига, ижодкорларига етакчилик қилиб келаётган истеъдодли шоиримиз Маҳмуд Тоировга халқ ёзувчиси Саид Аҳмаддан ўтказиб таъриф бериш кийин. Лекин, биз бугун бошқа нарсани айтмоқчимиз. Хар йили энг Улуғ айём — Мустақиллик байрами арафасида «Тошкент ҳақиқати»га атаганларим бор, деб, сара шеърларини инъом этади. Биз уларни атайин бугунга асраб қўйгандик. Газе-

тамизнинг шанба сонидоғи бири-биридан теран, бири-биридан гўзал, бири-биридан сермазмун, фалсафий мушоҳадаларга бой бу шеърларни ўқиб, газетхонларимиз мириқиб дам олишсин дедик. Айни вақтда «Тошкент ҳақиқати» жамоаси, кўп сонли муштарийлар номидан ҳозир айни кучга тўлган шоиримизга янги ижодий ютуқлар, соғлиқ-саломатлик тилаб қоламиз.

қанчадан-қанча қора кечаларни оппоқ тонгларга улаган. Хар бир шеърда ўнлаб янги фикр айтади. Демак, Маҳмуд бир нафас бўлсин изланишдан тўхтамаган.

Кўп шоир дўстларимиз битта, кичкинагина фикрни узундан узок шеър қиладилар. Маҳмуднинг шеърларида ўнлаб янги гап айтади.

Гапларимнинг исботи учун унинг шеърларида мисоллар келтирмақчиман. Тавоё мезонинг кўзидоғи нур,
Ташаккур меҳмонинг кўзидоғи нур.
Ва лекин даврани мунавоар этар,
Бир оқил кишининг сўзидоғи нур.

Осмон яқин. Ер бирам юмшоқ,
Кўз ёшигга лой қорсанг бўлар.
Лайли бўмоқ астама кув қиз,
Юрагингда бир Маҳжун ўлар.

Шоир Маҳмуд Тоир няхотда интизомли инсон. У Ўзбекистон ёзувчилари уюмаси Тошкент вилояти бўлимининг раиси, «Паркент тонги» газетасининг муҳаррири.

У ўз иш кўнини шунчалик тежайдики, бирон соат бўш вақт қолдирмайди. У қўшиқлар ёзади. Халқ артисти Юлдуз Усмонова билан янги шеърларини қўшиқча айлантириш жараёнида иштирок этади. Мамлакатимизда ўтадиган «Наврўз» ҳамда Мустақиллик тантаналарида ижро этиш учун янги қўшиқлар яратишади. Вилоятда ёзувчи, шоирлар билан ўтадиган адабий кечаларни уюштириш унинг зиммасида. Ана шу юмушлар орасида шеърлар ёзишга, уларни нашриётларда тўплам қилиб чиқаришга вақт топа олади. Чунки, унинг хар бир соати минут-минут билан белгилаб қўйилган.

Маҳмуд кечагина ёш шоир эди. Бугун у шеърларини зукко китобхонга маъқул қила олган талантли ижодкордир.

Паркентда Маҳмуд кетидан янги шоирлар авлоди келяпти. Улардан бири кўни кеча Ўзбекистон ёзувчилари уюмасига олқишлар билан қабул қилинган Усмон Бек. У шеърятда ажойиб шоир, фавқуллода гўзал шеърлар муаллифи Маҳмад Юсуф йўлини танлаган. Уюшмадаги қабул кўни унинг шеърларини тинглашди. Ҳаммага маъқул бўлди.

Демак, Маҳмуд Тоирнинг ортида янги шоир кўз очган. Энди Паркент шоирларининг узилмас занжирига янги бир мустақам халқа уланди.

Ажойиб шоир ва инсон, вафоли дўст Маҳмуд Тоирга дил-дилдан муваффақиятлар, омадлар тилайман.

ЎЗБЕКИСТОН
ҚАҲРАМОНЛАРИ

Эл дегани эли ардоқлар,
Тилдан тушмас азиз номлари.
Юрт кўксига ёнган чироқлар,
Ўзбекистон Қаҳрамонлари.

Офтоб толмас, ой толиқмайди,
Нурли одам нурга чорлайди,
Кўзларида вафо порлайди,
Ўзбекистон Қаҳрамонлари.

Ўғил берса ўхшасин деб айт,
Қизим шундай яшасин деб айт,
Битсак арзир сизларга шоҳ байт,
Ўзбекистон Қаҳрамонлари

Сиз кўзгусиз ҳавас боғида,
Азим чинор ҳайрат тоғида,
Сиз сўнмас нур дил чироғида,
Ўзбекистон Қаҳрамонлари.

Куз қуйлаган қўшиқдай сажий,
Шодлик шароб, бахт буғун соқий,
Ўзбекистон умридек боқий,
Ўзбекистон Қаҳрамонлари.

ЯХШИЯМ СИЗ БОРСИЗ

Жонимни чимчилаб қўлман гох-гоҳ,
Соғинч саҳросида сарсон юраман.
Термулиб турмоқдир бўлса ҳам гуноҳ,
Яхшиям сиз борсиз, қўриб тураман.

Муҳаббат меросдир Одам Атодан,
Бунқалар узоксиз мендек гадодан,
Ҳатто тушларимда сўраб Худодан,
Яхшиям сиз борсиз, қўриб тураман.

Сизга олиб борар йўллар кўп узун,
Мен сизни кўрмаган кўнлар кўп узун,
Ошиқлар менингдек бир бўлаб кўрсин,
Яхшиям сиз борсиз, қўриб тураман.

Сиз борсиз дунёда соғинч яшайди,
Сиз борсиз бу дунё гулаб ўхшайди.
Мен сизни кўрмасам жоним қақшайди,
Яхшиям сиз борсиз, қўриб тураман.

Бошдаги қуёшим, моҳим ўзингиз,
Ориқларини ширин оҳим ўзингиз,
Балқиган бахтимдир босган изингиз,
Яхшиям сиз борсиз, қўриб тураман.

Рашкимнинг рангин сўрсанг,
Чақмоқлар зардасида.

Мен Маҳжундан бахтимдан,
Тоҳир менга ҳасадда.
Сен Шариндан ширинсан,
Лайли сенга ҳавасда.

Келгин моҳим офтобга,
Кулишни ўргатамиз.
Ҳилолга эсимиздан,
Юришни ўргатамиз.

Қат-қатгина қатлама,
Қатларида нима бор,
Дилим сезар тилингда,
Менга айтар гина бор.

Маҳмуд ТОИРОВ.

ВАТАН НЕ ДЕБ
СЎРМАГИН

Шу бир сижим, бир уюм тупроқ,
Юрагингга солаеса титроқ,
Гар Ватандан эмассан йироқ,
Ватан не деб с. вол сўрмагин.

Ёмғирлари шиллаб кўришса,
Саболари силаб кўришса,
Улар умринг тилаб туришса,
Ватан не деб савол сўрмагин.

Вафолисан, сўзиндаги нур,
Чаманлари кўзиндаги нур,
Исми ўғил-қизиндаги нур,
Ватан не деб савол сўрмагин.

Юлдузлар бор осмоннинг чўғи,
Қуёш асли тириклик туғи.
Бир инсондек яша бор-йўғи,
Ватан не деб савол сўрмагин.

Жалолиддин жонидаги гул,
Мард шаҳиднинг қонидаги гул,
Шу ватан-да, барака тоғур,
Ватан не деб савол сўрмагин.

Ватан дилда кўз очган булоқ,
Ватан кўзга сизмайди бироқ,
Гар Ватандан эмассан йироқ,
Ватан не деб савол сўрмагин.

СОҒИНЧ САРҒАЙМАСИН

Чироқлар ўчмасин, чироқлар ёнсин,
Кўрғанда қувончдан қароқлар ёнсин.
Меҳмонинг ярашин уйинг тўрига,
Сўзингга султон бўл, сўроқлар ёнсин.

Ойга эргашгани офтоб кутади,
Гуноҳдан қўрқгани савоб кутади.
Бу дунё бир тутам, кафтингга қара,
Искандар қўллари жавоб кутади.



Она дуоиси ижобат бўлмай!

Мезон бўл меҳридан шарбат тутгувчи,
Меҳмон бўл изидан кўзга суртгувчи,
Бек бўлсанг аё дўст, қавмингга қара,
Қоқилсанг қариндош қўлдан тутгувчи.

Чироқлар ўчмасин, чироқлар ёнсин,
Соғинч сарғаймасин, фироқлар ёнсин.
Маҳмудга шеър берган Эгамга қуллук,
Ўқиб энтиқканда ёноқлар ёнсин.

ГИНА

(Халқ оҳангиди)

Қат-қатгина қатлама,
Қатларида нима бор,
Дилим сезар тилингда,
Менга айтар сўзинг бор.

Аразиндан айланай,
Жаҳлинг жонимдан ширин.
Лабаарингга лаб боссам,
Ширмой номимдан ширин.
Сочларингни силасам,
Бармоқларим сочилар.
Сенга умр тиласам,
Тилимда гул очилар.

Чироингни чиммати,
Жонимнинг пардасида.

ТЕННИС ЮЛДУЗЛАРИ
ЯНА ТОШКЕНТДА

Бугун муҳташам «Юнусобод» теннис кортларида «Президент кубоги» мусобақалари бошланади.

Ушбу турнир кетма-кет уч марта «Профессионал теннисчилар ассоциациясининг» юксак мукофотига сазовор бўлди. Руминия ҳамда Бразилияда ўтказилган ATP Тур туркумига кирувчи шундай халқаро турнирларда бош соврин учун жаҳон теннис таснифда кучли йигирмалик ва ўттизликдан жой олган теннисчилар кураш олиб борсалар. Тошкентга ташриф буюрган теннисчилар шўхрати анча баланд. Чунинчи, Марат Сафин бугунги кунда жаҳондаги иккинчи ракетка соҳиби ҳисобланади. Дарвоқе Сафин — 2000-2001 йиллардаги «Президент кубоги» соҳиби. Евгений Кафельников эса, Юртбошимизга турнирнинг бош совринини қўлга киритишга сўз берган. Бу йил ваъдасининг устидан чиқиб учун курашиши аниқ. Шунингдек, италиялик Давид Сангинетти, шведиялик Томас Йоханссон, аргентиналик Давид Нолбандан ҳамда Томми Хаас каби номдор теннисчиларнинг имкониятларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Хуллас, теннис ишқибозлари чироили ва шиддатли ўйналар, кутилган ва кутилмаган натижаларнинг гувоҳи бўлиб, олам-олам заъқ оладилар.

Ўзбек футболининг 90 йиллигига
«СУПЕР КУБОК»
ФОЛИБНИ КУТМОҚДА

Вилоят футболни ривожлантириш жамғармаси вилоят футбол федерациясини билан ҳамкорликда ўзбек футболининг 90 йиллигига бағишлаб «Супер кубок» турнирини ўтказмоқда.

Турнирда вилоят ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ишлари, ёнчанлар сақлаш, солиқ ва боқхона бошқармалари ходимларидан тузилган жами 12 та жамоа иштирок этади. Улар дастлаб 4 та гуруҳга бўлиниб, ўзаро уррашанларидан сўнг гуруҳ ғолиблиги курашини давом эттирадилар. Биринчи гуруҳ ғолиби бўлиши, иккинчи гуруҳ ғолиби эса учинчи гуруҳ ғолиби билан ярим финал учрашувини ўтказадилар. Ғалаба қозонган жамоаларнинг финал баҳсида турнир ғолиби ва «Супер кубок» эгаси аниқланади. Қолган икки жамоа эса учинчи ўрин учун курашади.

Турнир ғолиби ҳамда совринли ўринларни эгаллаган жамоаларни ажойиб соғалар кутмоқда. Турнир ғолибига бош соврин — вилоят футболни ривожлантириш жамғармасининг «Кубок» кубоги топширилади. Хар бир ўйинига биринчи даражада диплом, фахрий ёрлик, олтин медал тақдим этилади. Иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган жамоаларга ҳам тегишли диплом ва фахрий ёрликлар, ҳомийлик томонидан тайёрланган соғалар берилди. Шунингдек, энг яхши дарвозабон, энг яхши ҳужумчи ва турнирда энг кўп тўп киритган футболчини ҳам қимматбаҳо соғалар кутмоқда.

«Супер кубок» турнирининг расмий ҳамкори — «Ўзқурилиш материаллари» акциядорлик компанияси. «Охангарондеорлик ва «Охангароншифер» акциядорлик жамиятлари турнирда бош ҳомийлик қилмоқдалар.

Турнир ғолиби ҳамда совринли ўринларни эгаллаган жамоаларни ажойиб соғалар кутмоқда. Турнир ғолибига бош соврин — вилоят футболни ривожлантириш жамғармасининг «Кубок» кубоги топширилади. Хар бир ўйинига биринчи даражада диплом, фахрий ёрлик, олтин медал тақдим этилади. Иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган жамоаларга ҳам тегишли диплом ва фахрий ёрликлар, ҳомийлик томонидан тайёрланган соғалар берилди. Шунингдек, энг яхши дарвозабон, энг яхши ҳужумчи ва турнирда энг кўп тўп киритган футболчини ҳам қимматбаҳо соғалар кутмоқда.

